



O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 24-mart. Shanba 40 (31.472)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2012 йил 23 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, баъзи қонун ҳужжатларининг қоидаларини «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мослаштиришга қаратилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги



Сенаторлар «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Конституциявий Қонунни муҳокама қилиш жараёнида унинг қабул қилиниши Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг навбатдаги сайловларини тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принциплари ва талабларига, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилди.

Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти тизимининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги кафолатларини таъминлаш ва кучайтиришга, мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Бул орасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун мумкин қадар қулай шaroит яратиш, тадбиркорлик субъектларига зарур имтиёз ва кафолатларни бериш, шу жумладан бунда маъмур субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида тайёрланган «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

бор. Хусусан, Қонуннинг асосий янгиланган бири тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгилаб қўйилганлигидан иборат бўлиб, бу принципга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қонун ҳужжатларида юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти фойдасига талкин этилиши кўрсатиб ўтилди.

Шундан кейин сенаторлар Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилдилар. Улар ушбу Қонун Мустаҳкам оила йилида қабул қилинаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгаллигини қайд этиб, унинг қоидалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг гоят муҳим шакли сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий база яратишини, оилавий корхоналар учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришини, иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий бизнесни кенг ривожлантириш ҳамда мамлакатда янги иш ўринлари очиш учун зарур ҳуқуқий шарoитларни таъминлашни таъкидладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тайёрланган «Сўғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун сўғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан сўғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини сўғурта соҳасидаги жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш ҳамда амалга ошириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ободлик кўнгиладан бошланади

ЭЗГУ ИШЛАР УНУТИЛМАЙДИ,

авлодлар томонидан давом эттирилади

Кун анча совуқ. Узоқдан Китоб туманини кўргондек ўраб турган Ҳисор тизма тоғларининг қор қоплаган чўққилари кўзга ташланмади. Айтишларича, шу тоғларга уч-тўрт бор қор тушса, сув мўл бўлар экан. Бу йил камида 10-15 марта қалин қор ёғди. Гулгунпуш қишлоғининг далалари олоқ кўрпа остида.

Қишлоққа олиқ борадиган катта йўлнинг шундоқ ёқасида қўш қаватли кўркам бино қад кўтарган. Бу — ижтимоий-иқтисодий коллеж биноси.

Мақсадим — ушбу коллеж ва унинг талабалари ҳақида мақола ёзиш эди. Коллеж директори, партиядошини, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Муниса Суянова-

нинг иш столидаги китоб эътиборим-ни тортди — «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида». «Ўқиб чиқдингизми, таассуротлар қандай?» — дея сўрадим. — Ўқиб чиқдим, бу китобдан айрилмай қолдим, — деди у. — Каттиқ ҳаяжонландим, кўп воқеалар ёдимга тушди. Бу китобни ўқувчиларимиз чуқур ўрганиши учун машгулотлар жадвали тузилди.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗХДП: Иш ва фаровонлик — барча учун!

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ

ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омил

Хизматлар меҳнатнинг ўзига хос, махсус тури. Унинг миқёси ва тараққиёт даражаси мамлакатнинг иқтисодий аҳолини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Ривожланган давлатларда хизматлар тармоғи айрим ҳолларда ишлаб чиқариш тармоғига қараганда аҳолининг иш билан бандлигини кўпроқ таъминлайди, ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми шу соҳада яратилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Шундан бўлса керак, ҳозир энг чека қишлоқларда ҳам давр талабларига тўла жавоб берадиган маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, шохобчалар, сервис марказлари ишлаб турибди. Утган йили унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000 йил 37 фоиз бўлган. Ўзбекистон ХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида бу борадаги ишларни янада

кучайтириш жараёнида фаол иштирок этиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, Бўҳоро вилоятининг Вобкент, Ромитан ва Когон туманларида коммунал тармоқлар ҳамда қурилиш соҳасида сервис хизматларни кенгайтириш ҳисобига янги иш жойлари ташкил этиш кўзда тутилган.

— Вобкент туман ҳокимлиги ва бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ҳудудий дастур бўйича 2010-2011 йилларда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасида жами 1575 та янги

иш ўрни яратиш белгиланган эди, — дейди ЎЗХДП туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Толиб Аветов. — Утган йили шу йўналиш бўйича 700 нафардан зиёд аҳоли иш билан таъминланди. Бундан ташқари, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида ташкил этилган «Агротехсервис», «Сарапул», «Вобкентавтотранс», «Дельта-автогаз» каби 91 та маиший хизмат ва инфратузилма объектлари яна 163 та иш ўрни очилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда шундай объектларни кўпайтириш эвазига 1342 нафар аҳоли бандлигига эришиш кўзда тутилган. Бу жараёнда партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари астойдил иштирок этиши, назоратни кучайтириши лозим.

(Давоми 2-бетда)

Партиялараро баҳс

ЎЗХДП ДАВЛАТГА МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ҚАРАМЛИКНИ ЁҚЛАМАЙДИ

балки боқимандалик кайфиятини йўқотиш учун курашаверади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мақсади — давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Бу жараёнда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фаол ва ташаббускор бўлиши зарур. Бунинг учун «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва бошқа тегишли қонунлар орқали ҳуқуқий асослар яратилган.

«Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак», дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Бугун мамлакатимиздаги сиёсий партиялар демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаро-

лик жамиятини ривожлантириш жараёнларида, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда бевосита ўз вакиллари орқали иштирок этмоқда.

Сиёсий партияларнинг дастурий мақсади, гоёлари хилма-хиллиги, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш бўйича ёндашувлари турличалиги улар ўртасидаги рақобатни кучайтиришга

рақобатнинг амалий тус олишига, жамият ривожи билан боғлиқ масалалар изчил муҳокама қилинишига тўсқинлик қилади.

О'ЗЛиДП нашри «XXI ASR» газетасининг шу йил 8 ва 15 март сонларида чоп этилган «Кўппартиявийлик тамойили» сарлавҳали мақолада билдирилган айрим фикрларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Мақолада, хусусан, шундай дейилади: «ХДП кўпроқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларига таяна, О'ЗЛиДП тадбиркорлар ва ишбиланмонлар, яъни мулкдорлар катлами манфаатларини ҳимоя қилади».

(Давоми 2-бетда.)

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Миллий санъат марказида «Болажонлар — ширинтойлар» болалар мода фестивали бўлиб ўтди.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнёрлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда мамлакатимизнинг иқтисодий ёш дизайнер, модельер ва расомлари болаларга аталган либослари тўпламлари билан иштирок этди.

Анъанавий «Болажонлар — ширинтойлар» фестивали болалар либосларини яратиш бўйича изланаётган ёшларни аниқлаш, маҳаллий хомашдан болалар, ўсимирлар ва бўлғуси оналар учун қулай кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга яқиндан кўмаклашиш имконини бермоқда. Айни пайтда фестивал экологик талабларга жавоб берувчи, кўркам ва беҳимир кийимлар моделларини яратишга хизмат

қилмоқда. Мазкур ижодий лойиҳа янги номларни кашф этиш, ишлаб чиқарувчилар ва ижодкор дизайнёрлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда, болалар модасида янги йўналишларни яратишда ўзига хос мактаб вазифини ўтамоқда.

Бу йилги фестивалда юртимизнинг барча ҳудудларидан кўплаб дизайнёр ва модельерлар ўз тўпламлари билан иштирок этмоқда. Миллий ва спорт кийимлари, фарзанд кўриш арафасидаги аёллар учун либослар, «авангард» услубидаги кийим-кечаклар, мактаб формаси шулар жумласидандир.

Фестивалда либос тўпламлари энг яхши деб топилган иштирокчиларга дипломлар топширилди. **Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири**

Ҳукуматимиз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари шарт-шарoитини яхшилашга узлуksиз эътибор қаратиб келмоқда.

ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР БЕРИЛДИ

Маълумки, мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида Ватанимиз жанубий сарҳадларидаги Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари хизматчиларидан 28 нафарига ва уларнинг оила аъзоларига янги уй-жойлар қалин топширилган эди.

— Мустаҳкам оила йилида яна 27 та ҳарбийлар оиласи уйли бўлди. Янги уй-жойларнинг топширилишига бағишланган тадбирда жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, ота-оналар иштирок этди.

— Бугун мамлакат Куролли Кучлари тубдан қайта шаклланди, — дейди чегарачи Исомжон Ташмаатов. — Бизга яратилган қулай шарт-шарoит учун Олий Бош қўмондон ва Миллий хавфсизлик хизмати раҳбариятидан чексиз миннатдоримиз. Шу юрт, шу Ватан учун сидқидилдан хизмат қиламиз.

— Мустаҳкам оила йили биз учун қувончларга бой бўлди, — дейди оила бекаси Дилором Умарова. — Наврўз байрамини янги уйда кўтиб олдик. Бу ерда барча шaroит муҳайё. Худудда савдо ва маиший хизмат кўрсатадиган шохобчалар ҳам ишлаб турибди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

